

**Боев Хабибулла Исмоилович,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
профессори, иқтисод фанлари номзоди  
**Адилов Ботир Болтабаевич,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
“Минтақавий иқтисодиёт ва “Менежмент”  
кафедраси доценти, иқтисод фанлари  
номзоди

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ДАВЛАТНИ БОШ ВАЗИФАСИ

УДК: 332.012.2:330.12 (575.1)

---

## **БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ДАВЛАТНИ БОШ ВАЗИФАСИ**

Мақолада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва ушбу соҳани ривожлантиришда давлат томонидан амалга ошириладиган вазифалар ва муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида бир қатор масалалар баён этилган.

Таянч иборалар: аҳоли, турмуш фаровонлиги, аҳоли бандлиги, меҳнат бозори, ишсизлик, ижтимоий ҳимоя, кекса аҳоли қатлами, муҳтожлар.

---

## **БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б. УСИЛЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ – ГЛАВНАЯ ЗАДАЧА ГОСУДАРСТВА**

В статье рассматривается ряд вопросов, связанных с совершенствованием системы социальной защиты населения и задачами выполняемыми государством в развитии этой сферы и создании соответствующих условий жизни.

Ключевые слова: население, благосостояние, занятость населения, рынок труда, безработица, социальная защита, пожилые люди, нуждающиеся.

---

## **BOEV KH.I., ADILOV .B.B. STRENGTHENING SOCIAL PROTECTION OF POPULATION IS THE MAIN TASK OF THE STATE**

The article deals with a number of issues related to improving the social protection system of the population and the tasks performed by the state in the development of this sphere and creating appropriate living conditions.

Keywords: population, welfare, employment, labor market, unemployment, social protection, elderly people in need.

**Кириш.** Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш нафақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органлари ижтимоий ҳимоя муассасалари ва ҳомийлик ташкилотларининг иши бўлибгина қолмай, балки бутун жамиятнинг диққат эътиборида бўлиши лозим бўлган асосий муаммодир. Айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳар бир фуқаронинг давлатдаги ҳуқуқий мавқеининг аниқ бош шартларидан бири бўлиб, бунда фуқаронинг ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоялаш юзасидан мамлакат конституциясини шахсга берган ваколатини ҳаётда реализация қилинишини билдиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда айтиш лозимки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш даражаси ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражасига ҳамда мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни қай даражада инсонпарварлик руҳида қабул қилинганлигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб айтилдики, охириги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш-биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Худудларда, айниқса қишлоқда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда кам таъминланган аҳоли сони 12–15 фоизни (4,5–5 млн киши) ташкил этади. Охириги 2 йил ичида ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробарга кўпайди, нафақалар миқдори 2 баробарга ошди<sup>1</sup>.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли жамиятда аҳоли даромадларида табақалашиб вужудга келади яъни бойлар қатлами, ўрта ҳоллар ва камбағаллар қатлами вужудга келади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш - камбағаллар қатламидаги гуруҳнинг инсон соғлиғини, ҳамда ҳаётини таъминлашга зарур бўлган маблағдан паст даражада, ёки

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чегарасидан кам бўлганларни моддий қўллаш дейиш мумкин.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Дунё миқёсида аҳоли сони йил сайин кўпайиб бораётганлиги аммо истеъмол учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни аҳоли сони ўсишидан орқада қолаётганлиги, дунёни турли туман мамлакатларида ҳозир ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини мавжудлиги дунёдаги 35 фоиз болалар ижтимоий ҳимоя қилинмаётганлиги, жаҳондаги 41 фоиздан ортиқ аёллар оналик нафақасини ололмаётганлиги, дунёда 1 миллиардга яқин аҳоли -ижтимоий ҳимояланиш лозим бўлган даражасида яшаётганлиги инсонпарвар мамлакатларни ва турли халқаро ташкилотларни ташвишга солиб келмоқда.

**Муаммонинг қўйилиши.** Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни амалга ошириш ҳар бир мамлакатни асосий мақсади бўлиб қолиши объектив зарурятдир. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтган даврдан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолини камбағаллашиб кетишини олдини олиш бўйича ҳукуватимиз кўп чора тадбирларни кўриб келмоқда. Шунга қарамай мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари мавжуд шу билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимояланиши лозим бўлган даражасида яшаётган фуқароларни турмушини яхшилаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Аммо бу кўрилатган чоралар муаммони тўлиқ ечимини топаётгани йўқ. Демак ижтимоий ҳимоялаш механизмларини янада такомиллаштиришимизни ҳаёт талаб этмоқда.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси талабидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш арзон уй-жойлар барпо этиш орқали эҳтиёжмандларни эҳтиёжини қондиришга эришиш манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш йўналишларини белгилашдир.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот ишида асосан гуруҳлаш анализ ҳамда синтез айниқса миқдорий ва сифат таҳлили, қиёсий таҳлил иқтисодий статистика услубларидан фойдаланилади.

**Асосий натижалар.** Маълумки 1948-йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси”да ҳар бир инсон ўзининг яшаётган давлатида сиёсий, иқтисодий ижтимоий жиҳатдан ҳуқуқларини, давлатда амал қилаётган конституция берган кафолатлар асо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.

сида, талаб қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган шароитда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.” Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030-йилга қадар мўлжалланган глобал дастури ва барқарор ривожланиш мақсадларида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда: аҳолини ижтимоий ҳимоялашни амалга ошириш бўйича қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳақида фикр юритганда, жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, ҳар бир мамлакатни иқтисодий ривожланиши аввало мавжуд ресурсларга боғлиқдир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун давлат аввало ўзининг иқтисодий сиёсатида:

- аҳолини истеъмоли таркибига;
- минимал истеъмол даражасини белгилаш;
- мамлакатда аҳолини истеъмол саватчасига етадиган даромад олишига имконият яратиш;
- аҳолини турмуш даражаси пасайиб кетишини олдини олиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ёки камбағалликдан чиқариб олиш;
- ночор, муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- аҳолини ўзини-ўзи таъминлашини рағбатлантириш;
- айниқса фуқаро хоҳласа ҳам у ўзини зарурий истеъмол товарлари билан таъминлай олмаслигига эътибор бериш;
- аҳолини миқдорий таъминот муаммосини ҳал қилиш орқали истеъмол сифатини яхшилаш муаммосини ҳал қилишга ўтишни эътиборга олиш;
- белгиланган ҳар қандай моддий ёрдам аввало пул шаклида берилиши керак;
- аҳолига моддий неъматлар яратишга имкониятлар очиб бериш керак бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисидан ажралганлар, вақтинчалик ишга яроқсиз бўлиб қолганлар ҳамда касб касалига учраганларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳаётини ногирон фарзандини парвариш қилишга сарфлаган оналарга ижтимоий нафақа тури 2019-йилни 1-январидан жорий этилган янги солиқ концепциясининг асосий ғояси шахслардан олинадиган солиқ юкини камайтириш ҳам аҳолига катта ёрдам бўлди. Жаҳондаги тараққиётга

қарамасдан, ҳозирги кунда оналар нафақасини 41 фоиздан ортиқ аёллар олиш имкониятидан маҳрумдир, 83 миллион аёлнинг нафақаси тўланмайди, дунё миқёсида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли 45 фоизни ижтимоий ҳимоя билан паст даражада таъминланган қолган 55 фоизи, 4 миллиард киши ижтимоий ёрдамдан умуман фойдаланмайди<sup>1</sup>. Агар дунё аҳолисини келажаги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аҳолини демографик ўсиши бошқарилмас экан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммосини ҳал этиш узоқ йилларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидландилар, “Камбағалликни камайтириш - бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир. Шунинг учун, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”<sup>2</sup>.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” бўйича қилинаётган улкан ишлар аввало аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолини камбағаллашиб кетишини олдини олишга қаратилган.

IV устувор йўналиш - **Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** бўйича қуйидагилар амалга оширилди: 55000 нафар ишлаолмайдиган нафақахўрларга моддий ёрдам берилди. 1941-1945- йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қолганлар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан 35000 нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволаниши ташкил қилинди. Бепуллик асосида 10000 нафар қария -

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни. 2018.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.24.01.2020 / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.

ногирон ва кексаларни протез ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминланди. Республикамининг қишлоқ жойларида янги намунавий лойиҳалар асосида 15000 та арзон уй-жойлар қурилди, қишлоқ жойларда барпо этилган намунавий массивларга ичимлик суви 415,3 км, ва 291,5 км.лик жойларда электро-энергия берилди<sup>1</sup>.

Республикамиз пенсионерларига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш дастуридаги қўйилган вазифалар аниқ бажарилмоқда. Ҳар йили "Нуроний жамғармаси", "Маҳалла" жамоат фонди, касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳамкорлигида ёлғиз қарияларга қиш мавсумида кийим бош ва озиқ-овқат захиралари билан таъминланади. Ўзбекистон ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш учун қўшимча тадбирлар кўраётганлиги қувончлидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси" тўғрисидаги қонунда:

- фуқароларни касб касалликларидан;
- меҳнатда майиб бўлишдан;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси бўйича;
- инсонларни моддий ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали уларни кафолатлаш;
- назарда тутилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолини реал даромадлари ва бошқа тўловлар миқдори ҳудудлар кесимида "яшаш минимуми" ва истеъмол саватчасига мутаносиблигини таъминлаш учун катта - ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Дав-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. - lex.uz./docs/3107036.

лат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635-сонли Фармонида айтилганки, 2018-йилдаги Давлат дастурини амалга ошириш учун 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Ўз навбатида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига биноан 400 дан ортиқ қишлоқ ҳамда маҳаллаларда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қурилиш ва ободонлаштиришга 3 триллион сўм маблағ сарфланди, шунингдек ижтимоий соҳада-аҳоли орасида ишсизликни камайтириш, одамларни даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсонларни муносиб турар жой билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак деб кўрсатилган<sup>2</sup>.

Шулар билан бирга бу фармонда 2019-йил 1-мартдан бошлаб болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўлаш жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий соҳага 2019-йилга 57,8 триллион сўмни ёки умумий харажатларга нисбатан 54 фоизни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга 4 триллион сўм, умумий таълимга 17,1 триллион сўм йўналтирилди. Кадрлар тайёрлашга ажратилган маблағлар 3,8 триллион сўмни соғлиқни сақлашга 12,1 триллион сўм, маданиятни молиялаштиришга 1 триллион сўм, илм-фанга 0,8 триллион сўм маблағ йўналтирилди<sup>3</sup>. Шулар билан бир қаторда Ўзбекистонда ижтимоий кўмакка муҳтож қарияларга, ногиронларни ижтимоий таъминотиغا қария ва ногиронлар учун санаторийлар ҳамда интернат уйлари таъминоти кичик ёшдаги ногирон болалар учун интернат уйлари таъминоти га ногиронларнинг ре-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635 сонли Фармони.

<sup>3</sup> www.stat.uz.-Расмий сайт. Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитаси. <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-oktyabr/>.



билитация марказлари таъминотига ногиронларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш харажатларига, уйда ижтимоий ёрдам хизмати кўрсатишига маблағлар ажратилади.

Ижтимоий таъминот билан боғлиқ ва бошқа харажатлар ва ажратилган маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳаётини янада яхшилашга ёрдам беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда ижтимоий ҳимояни жаҳон стандартлари талаблари асосида ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир:

- Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишда давлат бюджетидан, ижтимоий суғурта жамғармаларидан, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағларидан ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда барча хайрия жамғармаларидан тизимли фойдаланишни ташкил этиш;

- ижтимоий тармоқларни юқори суръатлар билан ривожлантириш, шу тармоқ жараёнларини ҳозирги замон талаблари даражасига етказиш ва такомиллаштириш;

- Ўзбекистонни миллий хусусиятини ҳисобга олганда ижтимоий соҳага тегишли бўлган муассасаларни қишлоқ жойларини юқори суръатлар билан ривожлантириш ва бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасидаги бўлган фарқни камайтириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосида кўрсатилган бепул имтиёзлар асосида кўрсатилган хизматларни умумий хизматлардаги улушини ошириш, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, нафақахўрларга кўрсатилган айрим маиший хизматлар ва ҳ.к.

- аҳолининг ўзини-ўзи банд этишни кенгайтириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

- аҳоли даромадларини янада ошириш борасида-ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш асосида аҳоли бандлик даражасининг ошишига эришиш;

- бозор талабларига тўлиқ мос равишда ходимларнинг иш ҳақининг ўсиши даражасини ошириб бориш ва меҳнат даромадларини тартибга солиш воситаси сифатида минимал иш ҳақининг ролини кўтариш.

Ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва

тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши даркор. Бу – одамларнинг куч ва қобилиятлари тула-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириши. Бу механизмни биринчи навбатда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги, унинг ўзи ва оиласининг бахт-саодати учун иқтисодий жавобгарлиги билан уйғунлашадиган шарт-шароитларни яратиш ҳисобига шакллантириш лозим. Бу – қашшоқликка қарши кураш. Аҳоли энг муҳтож қатламнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтиришдир.

Айни вақтда ижтимоий ҳимояни жаҳон стандартлари талаблари асосида қайтадан тизим сифатида қайта ислоҳ этиш заруриятга айланди. Шунинг учун:

- жисмоний шахслардан олинадиган ва коммунал тўловларини пасайтириш зарур;

- манзилли ижтимоий ҳимояни янада такомиллаштириш керак;

- туман марказларида камбағаллар учун энг зарур ҳаётий озиқ-овқат дўконларни очиш халқаро тажрибада мавжуд, бизда ҳам вақти келди очишни;

- суғурта тизими орқали бериладиган ёрдамларни янада кучайтириш;

- диний ташкилотлар, жамоа ва бошқа ташкилотлар томонидан камбағал деб топилган оилаларга ёрдамни ташкил этиш;

- кўп болали аммо ёрдамга муҳтож оилалар болаларини иқтидорларини давлат махсус интернатлари очиб уларни бепул ўқитиш, яшаш озиқ-овқат, кийим кечак таъминотини давлат, тадбиркорлар, фермер ва жамоат ташкилотларига бириктириб қўйиш ҳам муаммоларни ечишга ёрдам бера олади деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидладигани "Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда мисол учун, 10 та, бошқа бири эса 20 та оилага кўмаклашиши, энг муҳими муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан ўз навбатида бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни, бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <http://uza.uz/posts/33688>

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдвги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т. Ўзбекистон-2014 й. 37-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635 сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи” газетаси 19-сони, 2020 йил 25 январь.
5. Боев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш. - Тошкент. 2017 й.
6. Боев Х.И. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти назарияси. - Т. 2019. 173 б.